O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING

**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**РЕШЕНИЕ**

УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 29/05-ii

2020 yil "18" апрель

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 14 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг Учтепа туманида ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 14 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларни Учтепа тумани миқёсида бажариш, туманда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа туман сектор раҳбарларининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 14 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг Учтепа туманидаги ижроси тўғрисида" берган ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман сектор раҳбарлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш буйича чора-тадбирлар режаси 2 кун муддат ичида ишлаб чиқилиб, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига топширилсин;

3. Сектор раҳбарлари (А.Абдуллаев, Ж.Азимов, С.Ахмедов, Р.Аширматов)га:

- ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар режаси асосида белгиланган вазифаларнинг ижроси ўз вақтида бажарилиши;
- секторларда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши;
- ҳар бир маҳалла кесимида аҳолининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган эхтиёжи аниқланиб, асосий турдаги қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан узлуксиз таъминланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захираси шакллантирилиши;

- деҳқон бозори ва савдо марказларида арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг узлуксиз савдоси ташкил этилиши борасидаги ишлар кечиктирилмай ўз вақтида сифатли тарзда амалга оширилсин.

Эҳтиёжманд аҳоли учун доимий даромад манбаини яратиш масалаларида барча мутасадди раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлиги оширилсин.

4. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг доимий комиссияларига:

- ишлаб чиқиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси атрофлича ўрганиб чиқилсин, шунингдек ижроси назорат қилиб борилсин.

- мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот бериб борилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Учтепа туман Кенгаши раиси** **Ф.Абдуллаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

*РЕШЕНИЕ*

УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 30/05-II

2020 йil - 12 - апрель

**Учтепа туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан 2019 йил якуни ва 2020 йил 1-чоракдаги фаолияти юзасидан киритган ахбороти тўғрисида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14-майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5718-сон Фармонига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Учтепа туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири О.Миртемировнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан 2019 йил якуни ва 2020 йил 1-чоракдаги фаолияти юзасидан киритган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2.Қабулхона мудирининг мазкур ахбороти асосида тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгилансин.

3.Сектор раҳбарлари, Учтепа туман ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи (О.Камилов), туман Адлия бўлими (О.Нигматов), туман ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари(Ш.Шаакрамов),Савдо саноат палатаси туман бўлими (А.Абдуллаев) ва тижорат банклари туман филиаллари раҳбарларига:

- Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини

5718-сон "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни, шунингдек 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида берилган топшириқларни ўз муддатларида ва тўлиқ бажарилиши;

- тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиниши, шу жумладан, жойларда тасдиқланган режа жадвалига мувофиқ сайёр қабуллар ўтказилиши;

- тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаши;

- тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этиши;

- тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқларни ва тизимли муаммоларни мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаши;

- тадбиркорларнинг мурожаатлари ваколатли давлат органларининг биринчи раҳбарлари томонидан 7 кунлик муддатда кўриб чиқилиши;

- иқтисодиёт соҳасида бюджетга қўшимча даромадларни аниқлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш, кам қувват билан ишлаётган корхоналар фаолиятини жонлантириш бўйича қўшимча лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни салоҳиятли инвесторларга бериш, жамоат транспортини тартибга солиш, бу борада аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, бўш турган ёки фойдаланилмаётган бинолардан самарали фойдаланиш каби долзарб масалаларга доимий эътибор қаратилиши;

- тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш учун ҳар бир туманда улар билан график асосида мунтазам учрашувлар ташкил қилиниши;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш бўйича тизимли алоқаларни йўлга қўйиш;

- Республикада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиши;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиши таъминлансин.

4.Учтепа туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси (О.Миртемиров) га **2020 йил I чораги бўйича** тадбиркорлар ва чет эллик инвесторларнинг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш фаолияти тўғрисидаги ахборотида қабулхоналар томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар ва қабул жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал этилишини самараси ҳамда тадбиркорларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар мониторинги бўйича таҳлилий маълумотларни киритиш тавсия этилсин.

5.Учтепа туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг киритган мазкур ахбороти юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар **жорий йилнинг I чорак якуни** бўйича Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ҳисобот киритсин.

6.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Учтепа туман Кенгаш**
**раиси** **Ф.Абдуллаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 21/05 - II

20 20 йил " 18 " апрель

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида" ПҚ-4193-сон қарорининг Учтепа туманидаги ижроси тўғрисида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги қарорига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа туман Давлат хизматлари маркази (М.Мирсагатов) томонидан 2019 йил давомида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин;

2. Учтепа туман Давлат хизматлари маркази (М.Мирсагатов)га 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида" қарори, шунингдек 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида берилган топшириқларни ўз муддатларида ва тўлиқ бажарилиши таъминлансин;

3. Учтепа туман Давлат хизматлари маркази (М.Мирсагатов томонидан 2019 йил давомида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахбороти қониқарсиз деб топилсин, навбатдаги сессияда иш фаолияти жонлантирилиб, қайта тақдим этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Учтепа туман Кенгаш**
**раиси** **Ф.Абдуллаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI
UCHTEPA TUMAN
KENGASHINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ

№ 32/05-II

20 2с йил "18" апрель

**Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни ривожлантириш давлат қўмитасининг Учтепа туман экология инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5863-сон Фармонига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Учтепа туман инспекция бошлиғи Т.Вакиловнинг Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни ривожлантириш давлат қўмитасининг Учтепа туман экология инспексияси томонидан олиб борилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2.Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Учтепа туман инспекция (Т.Вакилов), Учтепа тумани ҳокими ўринбосарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари:

- баҳор мавсумида дарахт ва бута кўчатларни экиш, барча дарахтлар инвентаризациядан ўтказилсин, келгуси 2–5 йил учун дарахтлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилсин, ҳамда касал ва кучсизланган дарахтларни соғломлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштирилганлигини мониторинг қилиш вазифаси юклатилсин.

3.Учтепа тумани ИИО ФМБ (С.Ахмедов), "Учтепа-Махсустранс" АТК (Ф.Мухиддинов), муқобил бошқарувчи компания раҳбарлари:

Санитар тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш, санитар тозалаш корхоналарни моддий-техник базасини янгилатиш, чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни, яъни ноқонуний чиқиндилар жойлашган ҳудудларни бартараф этиш мақсадида ҳамкорликдаги назорат ва профилактика тадбирларни

ўтказиш, ўрнатилган назорат камераларидан бу борада самарали фойдаланиш, қонун бузувчиларга нисбатан тегишли чораларни кўриш вазифаси топширилсин.

4.Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Учтепа туман инспекция (Т.Вакилов), Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши (С.Жўраев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Азимбаева), Халқ таълими бўлими (Ў. Қурбонов):

- аҳолининг экологик ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида тарғиб қилувчи экологик ижтимоий материалларни ва видеороликлардан фойдаланиб, аҳоли гавжум жойларда, жамоат транспортда, телевидение ва радио орқали кенг намойиш этиш;

- экологик акциялар, кўрик-танловлар, кўргазмалар ўтказиш чоралари кўрилсин.

5.Мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси (М. Азизов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Учтепа туман Кенгаш**
**раиси** **Ф.Абдуллаев**